

Ўзбекистон Республикасида истеъмол нархлари индекси (ИНИ)

2026 йил август ойи

Маълумотлар жадвалларига ҳаволалар:

МИИТ – 2018 бўлимлари бўйича истеъмол нархлари индекси

Ўзбекистон бўйича барча товар ва хизмат нархлари индекси, ўтган ойга нисбатан


- I. Ўзбекистон бўйича йиғма ИНИ
- II. Ҳудудлар кесимида йиғма ИНИ
- III. Ўзбекистон бўйича асосий гуруҳлардаги ИНИ
- IV. Йиғма ИНИ ўзгаришига МИИТ – 2018 бўлимларининг таъсир тузилмаси
- V. Геометрик Янг формуласи бўйича ИНИ (таҳлилий мақсадлар учун)
- VI. Услубий маълумотлар
- VII. Фойдали ҳаволалар

I. Ўзбекистон бўйича йиғма ИНИ

2026 йил август ойида йиғма ИНИнинг ойлик кўрсаткичи **100,2 %** (2025 йил август ойида **100,4 %**)ни, ўтган йилнинг декабрига нисбатан **103,4 %** (2025 йил август ойида **104,5 %**)ни, йиллик нисбатда **106,2 %** (2025 йил август ойида **108,8 %**)ни ташкил этди.

Мева-сабзавот маҳсулотлари нархларининг ўзгаришини ҳисобга олмаганда, йиғма ИНИ ой давомида **100,2 %** (2025 йил август ойида **100,4 %**)ни, 2026 йилнинг январь-август ойларида **104,9 %** (2025 йил январь-август ойларида **106,1 %**)ни ташкил этди. Йиллик ҳисобда эса бу кўрсаткич **106,6 %** (2025 йил август ойида **109,6 %**)га тенг бўлди.

Ўзбекистон бўйича ИНИ динамикаси, ўсиш (пасайиш) суръати %да



Қуйида 2026 йил август ойида МИИТ – 2018 бўлимлари бўйича асосий товар ва хизматлар нархларининг ўзгариши келтирилган:

Озиқ-овқат маҳсулотлари ва спиртсиз ичимликлар бўлими

Асосий озиқ-овқат маҳсулотлари орасида бир ойда нархлар қуйидаги турлар бўйича ошгани қайд этилди: гуруч ва гуруч оқшоғи – **2,2 %**га (2025 йил август ойига нисбатан **-4,1 %**), гречка – **1,1 %**га (2025 йил август ойига нисбатан **+8,1 %**), тухум – **0,8 %**га (2025 йил август ойига нисбатан **+12,8 %**), ун – **0,5 %**га (2025 йил август ойига нисбатан **+5,9 %**), қўй гўшти – **0,7 %**га (2025 йил август ойига нисбатан **+20,0 %**), суяксиз мол гўшти – **0,7 %**га (2025 йил август ойига нисбатан **+18,8 %**), суякли мол гўшти – **0,4 %**га (2025 йил август ойига нисбатан **+16,2 %**), шунингдек, товуқ болдири, сон ва товуқнинг бошқа қисмлари нархларининг **0,7 %** (2025 йил август ойига нисбатан **+1,2 %**)га ўсиши кузатилди.

Ой давомида шакар – **0,6 %** (2025 йил август ойига нисбатан **+1,6 %**)га, сут – ўртача **0,3 %** (2025 йил август ойига нисбатан **+5,0 %**)га, пахта ёғи – **0,1 %** (2025 йил август ойига нисбатан **+6,2 %**)га нархларининг пасайиши кузатилди.

Мавсумий омил мева-сабзавот маҳсулотлари нархларининг ўзгаришига таъсир кўрсатди. Бир ой давомида асосий мева-сабзавот маҳсулотларидан узум – **10,9 %**га

(2025 йил август ойига нисбатан **-2,0 %**), булғор қалампири — **9,2 %**га (2025 йил август ойига нисбатан **+9,8 %**), олма — **7,2 %**га (2025 йил август ойига нисбатан **+9,1 %**), нок — **6,0 %**га (2025 йил август ойига нисбатан **-13,3 %**), бақлажон — **5,5 %**га (2025 йил август ойига нисбатан **-31,8 %**), карам — **4,9 %**га (2025 йил август ойига нисбатан **-3,8 %**) ва картошка нархлари — **3,3 %**га (2025 йил август ойига нисбатан **-15,2 %**) арзонлашди. Сабзи — **9,2 %**га (2025 йил август ойига нисбатан **-2,3 %**), тарвуз — **7,5 %**га (2025 йил август ойига нисбатан **-11,2 %**), пиёз — **6,2 %**га (2025 йил август ойига нисбатан **-9,2 %**) ва цитрус мевалар нархлари — **1,6 %**га (2025 йил август ойига нисбатан **+9,2 %**) қимматлашди.

Турар жой хизматлари, сув, электр, газ ва бошқа ёнилғи турлари бўлими

Жорий йилнинг август ойида асосий турдаги коммунал хизматлар тарифларида ўзгаришлар кузатилмади. Ой давомида ижарага олинган турар жойлар учун амалдаги ижара ҳақи **0,4 %** (2025 йил август ойига нисбатан **+4,2 %**)га, турар жойларга хизмат кўрсатиш, уларни таъмирлаш ва қўриқлаш хизматлари эса **0,3 %** (2025 йил август ойига нисбатан **+5,8 %**)га ошди.

Соғлиқни сақлаш бўлими

2026 йилнинг август ойида кузатувдаги дори воситалари ўртача **0,2 %** (2025 йилнинг август ойига нисбатан **+2,3 %**)га, иммунизация хизматлари **0,2 %** (2025 йилнинг август ойига нисбатан **+2,8 %**)га, кўз учун ёрдамчи маҳсулотлар эса **0,6 %** (2025 йилнинг август ойига нисбатан **+1,2 %**)га арзонлашди.

Транспорт бўлими

Ой давомида бензин учун ўртача истеъмол нархлари даражаси **1,9 %**га (2025 йил август ойига нисбатан **+20,2 %**) ошди. Бунда, 2026 йил август ойида бензиннинг АИ-92 маркаси — **1,1 %**га, АИ-95 маркаси — **4,9 %**га, АИ-98 ва АИ-100 маркалари эса — **6,7 %**га қимматлашди. Пропаннинг нархи ой давомида **5,8 %**га (2025 йил август ойига нисбатан **+41,4 %**) қимматлашди, метан нархи жорий йилнинг июль ойи даражасида сақланиб қолди (2025 йил август ойига нисбатан **+10,3 %**).

Маълумот учун: тасдиқланган методологияга мувофиқ, автомобиллар учун бензин ва газ ёқилғисининг ўртача нархларини ҳисоблашда солиқ органларининг маълумотлар базасидан 1 августдан

25 августгача бўлган давр учун олинган маълумотлар қўлланилди. Бензиннинг ўртача нархини аниқлашда 898 та объект бўйича 21 753 та, пропан нархини аниқлашда 383 та объект бўйича 5 825 та, метан нархини аниқлашда эса 566 та объект бўйича 10 554 та нарх котировкаларидан фойдаланилди.

АИ-92 бензинининг бир литри нархи 10 500 сўмдан 16 400 сўмгача, АИ-95 12 500 сўмдан 20 000 сўмгача, АИ-98 ва АИ-100 16 000 сўмдан 28 000 сўмгача, ҳамда пропан учун юқори нарх чегараси бир литр учун 8 800 сўмни ташкил этди.

Йўловчи ташиш транспорти хизматлари орасида жорий йилнинг август ойида ички (ой давомида **+0,1 %**) ва халқаро (ой давомида **+1,7 %**) йўналишлар бўйича авиақатновлар тарифларининг ўсиши қайд этилди, бу ёқилғи нархининг ошиши ва евронинг сўмга нисбатан ўзгариши билан боғлиқ. Сурхондарё, Жиззах ва Навоий вилоятларида, шунингдек, Тошкент шаҳрида шаҳарлараро автобусда йўл ҳақи ва шу каби ташишлар нархлари қимматлашди. Республика бўйича автомобиль транспортида шаҳарлараро йўловчи ташиш нархи ўртача **0,6 %** (2025 йил август ойига нисбатан **+7,3 %**) ошди.

Таълим соҳасидаги хизматлар бўлими

Ой давомида нархларнинг ўсиши қуйидаги таълим хизматлари турларида қайд этилди: хусусий мактабгача таълим ташкилотларига ташриф буюриш — **0,3 %** (2025 йил август ойига нисбатан **+3,2 %**), репетиторлик — **0,2 %** (2025 йил август ойига нисбатан **+5,0 %**), чет тили курсларида ўқиш — **0,1 %** (2025 йил август ойига нисбатан **+4,4 %**).

Сугурталаш ва молиявий хизматлар бўлими

Ушбу бўлимда қисқа муддатли ИНИ **100,0 %**лик кўрсаткичдан пастга тушди. Жорий

йилнинг август ойида пул ўтказмалари учун тўловлар бир ой олдингига нисбатан **1,4 %**га паст бўлди, бунга сўмнинг АҚШ доллари ва Россия рублига нисбатан мустаҳкамланиши таъсир кўрсатди.

2026 йилнинг август ойида МИИТ – 2018 бўлимлари бўйича ИНИ, %да

Бўлим номи	2026 йилнинг июлига нисбатан	2025 йилнинг декабрига нисбатан	2025 йилнинг августига нисбатан
I. Озиқ-овқат маҳсулотлари ва спиртсиз ичимликлар	100,4	101,7	106,2
II. Спиртли ичимликлар ва тамаки маҳсулотлари	100,6	104,9	106,7
III. Кийимлар ва пойабзаллар	100,1	101,7	103,0
IV. Турар жой хизматлари, сув, электр, газ ва бошқа ёнилғи турлари	100,0	110,0	111,9
V. Уй-рўзғор асбоблари, маиший техника ва турар жойларга кундалик хизмат кўрсатиш	100,1	102,1	102,7
VI. Соғлиқни сақлаш	99,9	102,3	103,4
VII. Транспорт	100,4	105,2	107,1
VIII. Ахборот ва алоқа	99,9	102,6	105,9
IX. Дам олиш, спорт ва маданият	100,2	102,4	103,5
X. Таълим соҳасидаги хизматлар	100,1	100,6	101,5
XI. Ресторанлар ва меҳмонхоналар хизматлари	100,3	105,3	107,2
XII. Суғурталаш ва молиявий хизматлар	99,8	143,7	143,0
XIII. Маиший товарлар ва хизматлар, турли товарлар ва хизматлар	100,2	104,5	106,6

II. Ҳудудлар кесимида йиғма ИНИ

Ҳудудлар кесимида қисқа муддатли ва йиллик ИНИ бўйича ўртача республика кўрсаткичидан кескин фарқ қайд этилмади.

2026 йилнинг август ойида ҳудудлар бўйича ИНИ, %да

Ҳудудлар	2026 йилнинг июлига нисбатан	2025 йилнинг декабрига нисбатан	2025 йилнинг августига нисбатан
Қорақалпоғистон Республикаси	100,2	103,2	106,2
вилоятлар:			
Андижон	100,2	103,3	106,5
Бухоро	100,2	103,3	105,7
Жиззах	100,2	103,4	106,3
Қашқадарё	100,2	103,6	106,3
Навоий	100,2	103,4	106,2
Наманган	100,3	103,3	106,1
Самарқанд	100,3	103,6	106,3
Сурхондарё	100,3	103,2	105,7
Сирдарё	100,2	102,7	105,2
Тошкент	100,2	103,5	106,1
Фарғона	100,3	103,9	106,6
Хоразм	100,3	103,6	106,4
Тошкент ш.	100,3	103,5	106,8

III. Ўзбекистон Республикаси бўйича асосий гуруҳлардаги ИНИ


2026 йилнинг август ойида товарлар учун қисқа муддатли ИНИ **100,3 %**ни (2025 йил август ойида **100,5 %**), йил бошидан буён **103,0 %**ни (2025 йилнинг январь-августидида **102,2 %**) ва йиллик нисбатда **106,1 %**ни (2025 йил август ойида **106,6 %**) ташкил этди.

Озиқ-овқат маҳсулотлари учун ИНИ ой давомида **100,4 %** (2025 йил август ойида **100,6 %**), 2026 йил бошидан буён **101,9 %** (2025 йилнинг январь-августидида **101,3 %**) ва йиллик нисбатда **106,2 %** (2025 йилнинг август ойида **106,7 %**) даражасида қайд этилди.


Ноозиқ-овқат маҳсулотлар учун ИНИ **100,2 %** (2025 йил август ойида **100,3 %**), йил бошидан **104,3 %** (2025 йилнинг январь-августидида **103,6 %**) ва йиллик нисбатда **105,9 %** (2025 йилнинг август ойида **106,6 %**)ни ташкил этди.

Хизматлар бўйича ойлик кўрсаткич **100,1 %** (2025 йил август ойида **100,3 %**), йил бошидан **104,7 %** (2025 йилнинг январь-августидида **112,0 %**) ва йиллик нисбатда **106,4 %** (2025 йилнинг август ойида **116,2 %**) кўрсаткичга эга бўлди.


Асосий гуруҳлар бўйича ИНИ динамикаси, ўсиш (пасайиш) суръати %да



ўтган йилнинг декабрига
нисбатан



ўтган йилнинг мос
ойига нисбатан



IV. Йиғма ИНИ ўзгаришига МИИТ – 2018 бўлимларининг таъсир тузилмаси

2026 йилнинг август ойида қисқа муддатли йиғма кўрсаткичнинг ўзгаришига “Озиқ-овқат маҳсулотлари ва спиртсиз ичимликлар” бўлимидаги нархларнинг ўзгариши сезиларли таъсир кўрсатди. Кўрсатилган бўлимда ўртача нархлар даражасининг ошиши ҳисобига ойлик йиғма кўрсаткич **0,16 ф.д.**га юқори бўлди. “Транспорт” бўлимидаги нархларнинг ўзгариши йиғма ИНИни **0,04 ф.д.**га оширди. “Соғлиқни сақлаш” бўлимида ўртача нархлар даражасининг пасайиши ушлаб турувчи омил бўлиб, йиғма ИНИни **0,01 ф.д.**га пасайтирди. Қолган бўлимларнинг таъсири сезиларли бўлмади (умумий ҳисобда **+0,05 ф.д.**).

МИИТ – 2018 бўлимларининг 2026 йил август ойида йиғма ИНИ ўзгаришига таъсири, ф.д.

ўтган ойга нисбатан

I. Озиқ-овқат маҳсулотлари ва спиртсиз ичимликлар	0,16
II. Спиртли ичимликлар ва тамаки маҳсулотлари	0,00
III. Кийимлар ва пойабзаллар	0,01
IV. Турар жой хизматлари, сув, электр, газ ва бошқа ёнилғи турлари	0,00
V. Уй-рўзғор асбоблари, маиший техника ва турар жойларга кундалик хизмат кўрсатиш	0,01
VI. Соғлиқни сақлаш	-0,01
VII. Транспорт	0,04
VIII. Ахборот ва алоқа	0,00
IX. Дам олиш, спорт ва маданият	0,01
X. Таълим соҳасидаги хизматлар	0,00
XI. Ресторанлар ва меҳмонхоналар хизматлари	0,01
XII. Суғурталаш ва молиявий хизматлар	0,00
XIII. Маиший товарлар ва хизматлар, турли товарлар ва хизматлар	0,01

Жами таъсир

+0,24 ф.д.

ўтган йилнинг декабрига нисбатан

I. Озиқ-овқат маҳсулотлари ва спиртсиз ичимликлар	0,67
II. Спиртли ичимликлар ва тамаки маҳсулотлари	0,03
III. Кийимлар ва пойабзаллар	0,19
IV. Турар жой хизматлари, сув, электр, газ ва бошқа ёнилғи турлари	1,14
V. Уй-рўзғор асбоблари, маиший техника ва турар жойларга кундалик хизмат кўрсатиш	0,13
VI. Соғлиқни сақлаш	0,12
VII. Транспорт	0,52
VIII. Ахборот ва алоқа	0,08
IX. Дам олиш, спорт ва маданият	0,06
X. Таълим соҳасидаги хизматлар	0,02
XI. Ресторанлар ва меҳмонхоналар хизматлари	0,10
XII. Суғурталаш ва молиявий хизматлар	0,12
XIII. Маиший товарлар ва хизматлар, турли товарлар ва хизматлар	0,23

Жами таъсир

+3,41 ф.д.

2026 йилнинг январь–август ойларида йиғма ИНИ ўсишига “Турар жой хизматлари, сув, электр, газ ва бошқа ёнилғи турлари”, “Озиқ-овқат маҳсулотлари ва спиртсиз ичимликлар” ҳамда “Транспорт” бўлимларидаги нархлар ўзгариши энг катта ҳисса қўшди (умумий ҳисобда **+2,33 ф.д.** ёки умумий таъсирнинг **68,3 %**). Бошқа бўлимларнинг жами ҳиссаси **+1,08 ф.д.**ни (умумий таъсирнинг **31,7 %**) ташкил этди.

V. Геометрик Янг формуласи бўйича ИНИ (таҳлилий мақсадлар учун)

2026 йил январь ойидан бошлаб Миллий статистика қўмитаси геометрик Янг формуласи асосида қўшимча ИНИни шакллантириб келмоқда. **Мазкур индекс фақат таҳлилий мақсадларда қўлланилади ва юқорида эълон қилинган асосий ИНИнинг ўрнини босмайди ёки унга муқобил ҳисобланмайди** (батафсил маълумот “Услубий маълумотлар” VI бўлимида келтирилган).

2026 йил август ойида геометрик Янг формуласи бўйича ойлик ИНИ **100,2** %ни, 2025 йил декабрига нисбатан **102,3** %ни ташкил этди.

2026 йил август ойи учун геометрик Янг формуласи бўйича ИНИ, %да (ТАҲЛИЛИЙ МАҚСАДЛАР УЧУН)

Бўлим номи	2026 йилнинг июлига нисбатан	2025 йилнинг декабрига нисбатан
I. Озиқ-овқат маҳсулотлари ва спиртсиз ичимликлар	100,4	99,6
II. Спиртли ичимликлар ва тамаки маҳсулотлари	100,5	104,9
III. Кийимлар ва пойабзаллар	100,1	101,7
IV. Турар жой хизматлари, сув, электр, газ ва бошқа ёнилғи турлари	100,0	108,7
V. Уй-рўзғор асбоблари, маиший техника ва турар жойларга кундалик хизмат кўрсатиш	100,1	102,1
VI. Соғлиқни сақлаш	99,9	102,3
VII. Транспорт	100,4	105,0
VIII. Ахборот ва алоқа	99,9	102,5
IX. Дам олиш, спорт ва маданият	100,2	102,3
X. Таълим соҳасидаги хизматлар	100,1	100,5
XI. Ресторанлар ва меҳмонхоналар хизматлари	100,3	105,2
XII. Суғурталаш ва молиявий хизматлар	99,7	124,6
XIII. Маиший товарлар ва хизматлар, турли товарлар ва хизматлар	100,2	104,5

VI. Услубий маълумотлар

2026 йилнинг январидан бошлаб Истеъмол нархлари индексининг ойлик ҳисоб-китоби **517** та товар ва хизмат турига (2025 йилда – 510 та) асосланади, шундан **419** таси товар ва **98** таси хизматлардир. Кузатувда ой давомида **2** млндан ортиқ нарх котировкалари қамраб олинган.

ИНИ ҳисоб-китоблари (1) салмоқ вазнларини шакллантиришга хизмат қиладиган аҳоли харажатларининг тузилмаси тўғрисидаги маълумотлар (уй хўжаликлари танланма кузатуви маълумотлари) ва (2) истеъмол нархлари ўзгаришлари тўғрисидаги маълумотлар асосида амалга оширилади.

Нархлар тўғрисидаги маълумотлар Нукус шаҳри, Тошкент шаҳри, вилоятлар марказлари ҳамда ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий, географик ўрнини ва истеъмол бозорининг товар ва хизматлар билан тўйинганлик даражасини ҳисобга олган ҳолда танлаб олинган шаҳар ва туман марказларидан тўпланади.

Товарлар ва хизматлар нархлари ва тарифлари кузатуви турфун савдо ва хизмат кўрсатиш объектларида ҳам, кўчма савдода ҳам (палатка, расталар в.б.) танланма асосида ўтказилади.

Ҳисоб-китобларда қуйидаги манбалардан олинган нарх ўзгариши ҳақидаги маълумотлар қўлланилади:

(1) СAPI¹ технологиясига асосланган маълумотлар (чакана савдо дўконларига ташриф буюриб нархларни рўйхатдан ўтказиш);

(2) маъмурий транзакцион маълумотлар (солиқ органлари маълумотлар базасидан

онлайн-касса машиналари чек маълумотлари);

(3) eStat² тизими орқали хизмат кўрсатувчи провайдерлардан ва чакана сотувчилардан олинган маълумотлар (API³ /Excel форматида);

(4) web scraping⁴ технологиясига асосланган ва турли хил онлайн манбалар (веб-сайт маълумотлари)дан олинган нархлар;

(5) CATI⁵ технологиясига асосланган маълумотлар (телефон орқали сўровномалар).

Нархларни йиғиш ҳар ойнинг 1-санасидан 25-санасигача бўлган даврда амалга оширилади. Нархларни тўплашнинг ҳар бир усули ва манбаси учун алоҳида график белгиланган бўлиб, у халқаро стандартлар тавсиялари асосида тайёрланган ва 2026 йил январь ойидан жорий этилган янгиланган методикада мустаҳкамлаб қўйилган.

ХВЖ экспертлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Миллий статистика қўмитасига модификацияланган арифметик Янг формуласини жорий этиш қисқа муддатли истиқболда тавсия этилган.

Таҳлилий мақсадлар ва республикадаги инфляциян жараёнларни комплекс баҳолаш учун 2026 йил январдан бошлаб **геометрик Янг формуласининг муқобил вариантдан фойдаланиб, қўшимча нарх индексини шакллантириш бошланди**. Ушбу ҳисоб-китоблар натижалари доимо “Таҳлилий мақсадлар учун” деган белги билан эълон қилиб борилади.

Модификацияланган арифметик Янг формуласи асосида шаклланган ИНИ истеъмол секторидаги инфляциянинг асосий кўрсаткичи бўлиб хизмат қилади. Геометрик Янг формуласи бўйича ҳисобланган ИНИ эса таҳлил мақсадлари учун қўшимча кўрсаткич сифатида қўлланилади.

ХВЖ мутахассислари томонидан ўрта муддатли истиқболда Ўзбекистон Республикаси Миллий статистика қўмитасига геометрик Янг формуласини жорий этиш тавсия этилган.

Методологияга киритилган ва 2026 йил январь ойидан кучга кирган ўзгартиришлар “Ўзбекистон Республикасида нарх индексларини шакллантириш методологиясидаги асосий ўзгаришлар тўғрисида”ги пресс-релизда батафсил ёритилган.

VII. Фойдали ҳаволалар

[Истеъмол нархлари индексини ҳисоблаш бўйича услубий низом](#)

[Ўзбекистон Республикаси Мақсадлар бўйича индивидуал истеъмол таснифлагичи \(ЎР МИИТ – 2018\)](#)

[Истеъмол нархлари индекси бўйича қўлланма: концепция ва услубият \(2020\)](#)

Чоп этиш учун масъул:
Нархлар статистикаси
бошқармаси

Манзил: 100170, Тошкент,
Мустақиллик шоҳ кўчаси, 63
Контактлар: info@stat.uz
Тел: +998 71 203-80-00 (1100, 1101)



¹ CAPI (Computer Assisted Personal Interviewing) – нархлар статистикасида бу маълумот тўплаш усули бўлиб, унда регистраторлар савдо ва хизмат кўрсатиш объектларига бевосита бориб, нархларни қоғоз анкета ўрнига планшет орқали қайд этадилар.

² Ўзбекистонда статистик ҳисоботларни электрон шаклда йиғишга мўлжалланган автоматлаштирилган ахборот тизими.

³ API (Application Programming Interface) – бу турли дастурлар ўзаро мулоқот қилиши ва маълумот алмашишига имкон берувчи дастурий интерфейс, қоидалар, буйруқлар ва воситалар мажмуасидир.

⁴ Веб-ресурс саҳифаларидан маълумотларни автоматлаштирилган тарзда ажратиб/йиғиб олиш технологияси.

⁵ CATI (Computer Assisted Telephone Interviewing) – бу компьютер ёрдамида телефон орқали интервью ўтказишга асосланган маълумот тўплаш усули.